


2022 йил июнь



**Аҳоли ва тадбиркорлик
субъектларининг
инфляцион кутилмалари
шарҳи**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки


Тошкент 2022 йил

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляциян кутилмалари шарҳи 2022 йил июнь ойи

Аҳолининг инфляциян кутилмалари

Июнь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича аҳоли вакилларининг **инфляциян кутилмалари**¹ май ойига нисбатан пасаявчи динамикани кўрсатиб, **16,4 фоиз** атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати² **14,1 фоизни** ташкил этди (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляциян кутилмалари динамикаси, (фоизда)




Инфляциян кутилмалар медиана кўрсаткичининг июнь ойида ўтган ойга нисбатан пасайишига айрим озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлашиши сабабли юқорида инфляцияни кутаётган респондентлар улуши камайиб бориши билан изоҳланади (2-расм).

¹ **Инфляциян кутилмалар** – инфляциян кутилмаларнинг турли гуруҳлари бўйича мос жавобни белгиланган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртача қийматига кўпайтмалари йиғиндисини жами респондентлар сонига нисбати (ўртача тортилган кўрсаткич).

² Инфляциян кутилмаларнинг **медиана қиймати** – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймат.

2-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Респондентлар томонидан келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **импорт товарлари** ва **асосий озиқ-овқат маҳсулотлари** (56 фоиз), **нархларининг сунъий оширилиши** (41 фоиз) ҳамда **иш ҳақи ва нафақаларнинг оширилиши** (34 фоиз) таъкидланган (3-расм).

Шуни қайд этиш жоизки, ушбу ойда аҳолининг девальвацион кутилмалари пасайишда давом этди (26 фоиздан 25 фоизгача).


3-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)



Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари


Жорий йилнинг июнь ойи якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича бизнес вакилларининг **инфляцион кутилмалари** ўтган ойга нисбатан 1,6 фоизга камайиб, **15,7 фоизни** ташкил этган бўлса, медиана қиймати **13,3 фоиз** атрофида шаклланди (4-расм).

4-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)



Июнь ойида тадбиркорлик субъектларининг кўпчилик қисми келгуси 12 ойда инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутишмоқда (5-расм).

5-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимооти (респондентларнинг сони)



Тадбиркорлар кейинги 12 ойда нархлар ошишига **иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши (29 фоиз), ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт хизматларининг нархлари қимматлашиши (27 фоиз)** ҳамда **импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши (24 фоиз)** каби омиллар таъсир этиши мумкинлигини таъкидлашди (6-расм).

6-расм. Инфляциян кутилмаларнинг асосий омиллари
(респондентларнинг улуши, фоизда)



Шунингдек, импорт қилинадиган **хориждан хом ашё етказиб беришда узилишлар бўлишини** ҳамда **тижорий бино ва ижара тўловларининг ошишини** кутаётган тадбиркорларнинг улуши ўтган ойга нисбатан юқорилаган.